O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

Ислом КАРИМОВ:

Биз Марказий Осиё минтақасининг халқаро хўжалик алоқалари тизимига, жаҳон иқтисодиёт ва ахборот майдонига фаол кириб бориши, жаҳондаги етакчи давлатлар ва халқаро муассасалар билан сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлаши, энг аввало, бу минтақадаги давлатларнинг халқаро хавфсизликнинг дунёвий тизимига интеграциялашувигина барқарорлик ва изчил тараққиётнинг ишончли кафолати бўлишига қатъий аминмиз.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ
18 АПРЕЛЬ,
СЕШАНБА

№ 47 (25.597).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Шу кунларда мамлакатимизда АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт меҳмон бўлиб турибди. Меҳмон 16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги узоқ муддатли сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, минтақавий ва халқаро миқёсда хавфсизликни таъминлаш, барқарорликни сақлаш муаммолари борасида фикр алмашилди. АҚШ Давлат котиби Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари ва ўқитувчилари ҳузурида маъруза қилди. Мадлен Олбрайт ўз маърузасида Ўзбекистон-АҚШ муносабатлари, АҚШнинг Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан юритаётган сиёсати ҳамда дунёвий ва минтақавий хавфсизлик муаммолари ҳақида ўз фикрларини баён этди. У Ўзбекистон халқи қадимдан маърифатлилиги билан ажралиб туришини таъкидлади. Масалан, Бухорода дунёдаги энг йирик ва бой кутубхона бўлгани тарихдан яхши маълум. Бу шаҳардан дунёга машҳур математиклар, фалакиётшунослар, шоирлар, шифокорлар ва бошқа соҳа билимдонлари етишиб чиққан. Буюк Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» неча юз йиллардан буён бутун дунёда тиббиёт олимлари учун муҳим қўлланма вазифасини ўтаб келмоқда. М.Олбрайт Ўзбекистонга мазкур сафари чоғида дунёнинг маданий ва маърифий марказлари бўлмиш Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилишни сабрсизлик билан кутаётганини ҳам алоҳида таъкидлади. Бевосита ташрифга оид мавзу — ўз давлатининг минтақамиз

ТАРИХИМИЗ САҲИФАЛАРИ

1991 — 2000

1995 ЙИЛ

19 июль. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда партия вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш ва унинг самарадорлигини ошириш тўғрисидаги масала атрофлича муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишлаб ХДП ташкилотлари ўтказадиган суҳбатлар, учрашувлар, маърузалар, мулоқотлар, илмий-амалий анжуманлар, байрам шиорлари ва чақириқларининг намунавий мавзулари ҳамда матнлар тасдиқланди.

16 август. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши илгари қабул қилинган қарор ҳамда анъанага кўра, таниқли олимлар, адиблар ва партия фаолларидан иборат тарғиботчилар гуруҳларини шакллантирди. Улар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга бориб меҳнаткашлар билан учрашиш олдидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида тўпландилар. Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов уларга республикамиздаги ижтимоий-сиёсий вазият, мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи вазифаларини бажаришда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўрни ва иштироки ҳақида сўзлаб берди. Шундан сўнг тарғиботчилар гуруҳлари вилоятларга жўнаб кетдилар.

29 август. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг нуқтаи-назари ҳақидаги масала атрофлича муҳокама қилинди.

30 август. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзолари ва ташкилотлари, республикамизнинг барча фуқароларига табриги матбуотда эълон қилинди.

30 август. Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг «Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар юзасидан Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг нуқтаи назари» тўғрисидаги қарори матбуотда чоп этилди.

5 сентябрь. Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси ҳужжатларини ўрганиш ва аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш юзасидан вазифалари тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди.

(Давоми бор).

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

АҚЛ КЎЗИ ОЛИСНИ КЎРАР

Мамлакатимиз бугун катта жараёнларни ўз бошидан кечирмоқда. Рўй бераётган янги буюк ўзгаришлар одамларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириб, эртанги кунга ишончини тобора мустаҳкамламоқда. Ишонч эса олга томон қиладиган ҳаракатимизни тезлаштирмоқда. Аммо айни пайтда Президентимиз таъкидлаганларидек, Ватанимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ютуқларимизни кўролмаётган, халқимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдирмоқда. Муқаддас динимиз шаънига доғ тушираётган, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланмоқчи бўлган қора кучлар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз. Дўстудушманни ажратмай ёвуз оқимларга кўр-кўрона эргашиб, фожиавий аҳволга тушиб қолган ёшларимизнинг ота-оналари дин, давлат, экстремизм, терроризм тўғрисида тушунча беришимизни сўрашмоқдалар. Шундай вазиятдан келиб чиқиб, дин билан давлатнинг муносабатлари, виждон эркинлигининг конституциявий кафолати ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришни лозим топдик.

Дин арабча сўз бўлиб, Худо билан мулоқотда бўлиш, унга сиғиниш маъносини билдиради. Давлат эса сиёсий ҳокимиятнинг асосий кучидир. Бу тушунчаларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва жамият ривожланишидаги роли ҳар хил. Диннинг қонун асосида амалга оширадиган асосий вазифаси диний ақидалар, маросим талаблари, анъаналарни адо этишдан иборат. Дин инсоннинг ички руҳий ҳаёти билан шуғулланади. Давлатнинг вазифаси эса дунёвий ишлар, мавжуд тартибларни қўриқлаш ва мустаҳкамлаш, ички ва ташқи хавф-хатарни бартараф қилишдан иборат.

Биз диний ташкилотлар билан муносабатларимизни қонун асосида, уларни ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш асосида олиб борамиз. Айни вақтда улардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларни бажариш талаб қилинади. Диннинг ҳам, давлатнинг ҳам шаклари кўп. Бизнинг давлатимиз кўп динли, кўп миллатли демократик, дунёвий давлат. Давлатимизнинг олий мақсади — юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, замонавий талабларга жавоб берадиган фуқаролик жамияти барпо этиш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшаш ва халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдан иборат.

Янги таҳрирдаги (1998) «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга кўра, барча фуқаролар миллати, мавқеидан қатъий назар қонун олдида тенг. Фуқаро хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслиги мумкин. Фуқарони динсизликда ёки диндорликда айблаб, унинг онгига у ёки бу томонга тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмайди. Динга оид кўплаб китоблар нашр этилди, масжиду мадрасалар обод қилинди, буюк алломаларимизнинг таваллуд саналари кенг нишонланди. Мустақиллик йилларида минглаб киши ҳажга бориб келди. Умуминсоний қадриятларга ҳам шароит яратилган. Давлатимиз диндорлар олдидаги бурчини адо этиб келмоқда-ку, диний ақидапарастларга яна нима керак?! Экстремистларнинг хатти-ҳаракати ислом динининг ҳозирги изоҳланишига ва амалиётига мутлақо тўғри келмаяпти. Шу боис, ўта золим ислом экстремистлари ҳамма ерда тақиқланган, уларнинг қуролли гуруҳлари қаршиликка учрамоқда. Бир-икки мисол келтирай: юртимизда шов-шувга сабаб бўлган «Ҳизбут-таҳрир» деган сиёсийлашган диний оқимга 1950 йил «мусулмон бирадарлар» экстремистик уюшмасидан ажралиб чиққан Шайх Тақийиддин Набаҳоний асос солган. Мақсади зўрлик билан халифалик диний давлатни ўрнатиш.

Ялтироқ либос кийган, доллар бериб варақалар тарқатиб юрган «ҳизбут таҳрирчилар»нинг ёвуз қиёфасини билиш учун «мусулмон бирадарлар» уюшмаси фаолиятини эслаш жоиз деб ўйлайман. «Мусулмон бирадарлар» уюшмаси 1928 йил Мисрда шайх Ҳасан ал Банно томонидан ташкил қилинган бўлиб, ислом қоидалари асосида жамият қурамиз, бу жамият капитализмга ҳам, социализмга ҳам қарши қаратилган ислом, тараққиёт йўли бўлади деган ғайри илмий ғояга асосланган.

Бу уюшманинг ғоявий раҳнамоси Саид ал Қутба ёзади: «Ислом демократияси деган гапларни ҳазм қилолмайман, исломнинг ўзи инсоният муаммоларини ҳал қилолади. Илк ислом меъёрларига қайтишимиз керак. Ислом тикланиши керак...» 1966 йил давлат тўнтаришини тайёрлашда айбланиб, дорга осилган Саид Қутбанинг фикрича, қон тўкиш, сиёсий ҳаётда террор усули мусулмон давлатини ўрнатишнинг ягона йўли. Уюшма аъзолари Президент Жамол Носир ҳаётига бир неча бор суиқасд қилишди, президент Анвар Садатни Қоҳирада ҳарбий парад вақтида отиб ташлашди.

Ана шу тақиқланган уюшманинг баъзи аъзолари 80-йилларда бизнинг Ватанимизга келиб қолишади. Диний фанатизмни кучайтириб, одамларимизни давлатга бўйсунмасликка даъват қилаётган, қилмиши қўпорувчилик, хунрезлик, қотилликдан иборат ёвуз диний оқимларнинг мусулмончиликка қандай даҳли бор?! Диний ниқоб кийиб бизни орқага, жаҳолат гирдобига қайтаришга уринаётган тажовузкор оқимлардан эҳтиёт бўлайлик! Тожикистондаги, Қирғизистондаги воқеалар, тинч аҳолини талаш, ўлдириш, қувғин қилиш, пойтахтимизда бегуноҳ юртдошларимизнинг ўлимига сабаб бўлган қўпорувчилик ҳаракатлари жангариларнинг имонсиз, миллатсиз, динсиз, ватансиз эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Онги паст, иродаси бўш айрим ёшларимиз ана шу оқимларга кўр-кўрона эргашиб қоляптилар. Биз соғлом, баркамол авлод тарбиялаяпмиз. Келажак ана шу авлодга боғлиқ. Ёшларимиз компьютер сирларини, чет тилларни ўрганмоқдалар. XXI аср йўлбошчимиз таъкидлаганидек, билим ва тафаккур асри, мислсиз ривожланиш асри бўлади.

Зотан, табиат ва жамият ўзига хос қонунлар асосида бошқарилади. Дунёдаги жами моддий ва маънавий бойликлар инсоннинг ақл ва заковати билан яралган. Дунёвий билимларсиз — табиий, ижтимоий, тарихий, техникавий, фалсафий билимларсиз мамлакатни бошқариб бўлмайди. Биз дунёвий билимларга, илмий дунёқарашга асосланиб маърифий, замонавий давлат қурмоқдамиз. Республикамизни дунёдаги барча нуфузли катта давлатлар тан олди. Улар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди, ҳамкорлик йўлга қўйилди. Агар бугун биз ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай, сезмай қолишимиз мумкин. Ҳозир ҳамма муаммоларимизнинг ечими маънавий тарғибот, ташвиқот орқали амалга оширилади. Буни унутмаслигимиз керак. Қисқача айтганда, мафкурамизнинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб бериш лозим. Мафкурамиз омма фаолияти билан узвий боғланиб кетиши керак. Бошқа ерда бўлганидек, бизнинг Тошкент туманида ҳам нотўғри йўлга кириб қолган ёшлар борлиги аниқланди. Маҳаллаларда аҳолининг турли қатламларида изчил, узлуксиз иш олиб борилмоқда.

Ёлғиз гул ёз эмас, ёлғиз дарахт боғ эмас дейдилар. Бир тан, бир жон, бир мушт бўлиб, Президентимиз атрофида бирлашсак буюк келажагимиз йўлида учрайдиган ҳар қандай йўлтўсар, амалпараст кимсалар улоқтириб ташланади. Бунга ишончим комил.

■ **Убайдулла БОЗОРОВ,**
фалсафа фанлари номзоди, Тошкент тумани ташвиқот гуруҳининг раҳбари

ХДП ХАБАРИ

ЯНГИ ДАСТУР ВА НИЗОМ ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Чилонзор туман кенгаши академик Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий марказида, 46-болалар шифохонасида, Миробод туман кенгаши эса «Қизил тонг» ҳиссадорлик жамияти, «Электраппарат» ҳиссадорлик жамияти, «Ўзтемирйўлтаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмалари бошланғич партия ташкилотларида Халқ демократик партиясининг янги таҳрирдаги Дастури ва Низомини тарғибот-ташвиқот қилиш ва кенг ўрганишга катта эътибор бермоқда.

Шунингдек, Юнусобод туман партия кенгашининг А. Навоий номли давлат кутубхонаси, Халқ таълими вазирлиги ва Тошкент Молия институтида, Мирзо Улуғбек, Хуснобод, Минор маҳаллалари бошланғич партия ташкилотларида, Акмал Икромов туман партия кенгаши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент сут комбинати, «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Нон-паста» ишлаб чиқариш корхонаси бошланғич партия ташкилотларида ўтказган йиғилишлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Бундай йиғилишларга партия ва меҳнат фаҳрийлари ҳам таклиф этилиб, ХДПнинг янги таҳрирдаги Дастури ва ўзгартиришлар киритилган Низомининг ҳозирги кундаги аҳамиятини, унинг замон талабларига мос эканлигини қайд этмоқдалар.

■ **А. ЁРМАТОВ,**
Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши мафкуравий ишлар бўлими мудири



Шеробод туманидаги Хўжаикон очиқ турдаги туз ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти республикамизда ягонадир.

Мазкур корхонада иш замонавий ускуналар ёрдамида амалга оширилмоқда. Бу эса иш ривожига ижобий таъсир кўрсатяпти. Айниқса, ош тузини йодлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши бу ерда кенг имконият яратилаётганлигидан далолатдир.

Ўтган йили корхона 17700 тонна ош тузи ва 50 минг тонна техник тузни истеъмолчиларга етказиб берди. Бу йил эса 50 минг тонна ош тузи ва 100 минг тонна техник туз ишлаб чиқариш режалаштирилган. Ишлаб чиқаришнинг бундай ўсиши, шубҳасиз, янги ускуналарнинг тез ва сифатли ишлаши ҳисобигадир.

Айни пайтда жамиятда 850 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Раҳбарият улар учун барча шарт-шароитларни яратган. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 10 минг сўмни ташкил этяпти.

Суратларда: *1. Туз комбинати кўриниши. 2. Туз қадоқловчи Зуҳра Раимқулова.*

■ **Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

МУНОСИБ УЛУШ

Бугунги кун қоракўлчилигининг ривожида Пахтачи туманидаги «Карнабота» жамоа хўжалиги чорвадорларининг ҳам ҳиссаси бор.

Хўжалик ўтган йилда қоракўлчилик бўйича нафақат вилоятда, балки республикада ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллаганлиги фикримизнинг далилидир.

Ҳозир хўжаликнинг 4 та ишлаб чиқариш бўлимида тўл мавсумини якунлаш қизғин олиб борилмоқда.

Қўзилатиш мавсуми Умар Қобилов, Азим Турсунов, Фарҳод Кенжаев, Зокир Қурбонов сингари чўпонлар отарларида намунали олиб борилди.

— Ҳисоб-китобларга кўра, бу йил юқори даромад олиш кўзда тутилмоқда. Бунда мутахассислар, бўлим бошлиқлари, чўпон-чўлиқлар ва Самарқанд давлат қишлоқ хўжалик институтининг қоракўлчилик факультети олимларининг ҳиссаси бор, — деди хўжалик бошқаруви раиси Қамбар Мелиев.

■ **Ўткир ПЎЛАТОВ**

Хатлар

Хатлар

Хатлар

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

ИСЛОҲОТ ИНСОН УЧУН

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, кичик ва ўрта бизнесда жисмоний шахслар юридик, кейин акциядорлик жамиятларига, корпорацияларга ва ниҳоят транснационал корпорацияларга айланиб боришади. Бизда эса айрим ҳолларда юридик шахслар ўзларининг ҳисоб рақамларини ёпиб, жисмоний шахсликка ўтиб боришмоқда.

Нега шундай бўлаяпти? Бу вақт тақозосими? Тадбиркорларимизнинг билимсизлигими?

Бу албатта, чуқур мулоҳаза талаб этадиган масала. Шундай бўлсада, ўз фикрларимни билдирмоқчиман. Энг аввало, тадбиркор мақомини бериш тўғрисида.

Фуқаро юридик шахс бўлиш тўғрисида яшаб турган шаҳар, туман ҳокимлигига ариза бериши керак. Ариза рўйхатга олингач, 1 ой муддат ичида тест асосида юридик, ҳисобот, солиқ, тадбиркорлик соҳасига тааллуқли мутахассислар синовидан ўтиши (ҳар бир мутахассиснинг номзод ҳақидаги хулосаси ёзма равишда кўрсатилади) шарт. Шундан сўнгтина ҳокимлик томонидан тегишли ҳужжатлар тантанали равишда тадбиркорга берилиши керак .

Савол туғилади: ўта олмаганлар нима қилишади? Ҳозирги кунда туманларда мавжуд «Бизнес инкубатор» мактабларида маълум муддат ўқиб, ҳуқуқий ҳисобот ва бошқа муаммоларни ўзлари счишни ўрганишади.

Фермер хўжаликлари хусусида. Ҳозирги кунда арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, республикамизда аграр ислоҳотни, яъни қишлоқ хўжалигида ислоҳотни амалга ошириш жуда қийин бораяпти.

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонунда «Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси ширкат хўжалиги бошқаруви ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади» деб белгиланганди.

Агар жамоа ширкат хўжалиги инқирозга юз тутиб, фаолияти тўхтаса, ўртадаги ижара шартномаси ўз кучини йўқотади. Бу ҳолда фермер хўжалиги ўз-ўзидан ерга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Дунё тажрибасидан шу маълумки, ижарага берилган мулк, восита, заҳиралар иккинчи бора ижарага берилмайди, яъни жамоа ширкат хўжалиги ҳам ерларни давлатдан узоқ муддатга фойдаланиш учун ижарага олган ҳисобланади.

Чунки ер фақат давлатники. Бу ҳолда кўрсатиб ўтган қонунларимизда мураккаблик пайдо бўлади. Масалан: бир маротаба ер олган фермер хўжаликлари ривожланганлари билан қайта ер ололмасдан тўхтаб қолади ва шу орада ҳокимият билан жамоа ширкат хўжалиги ўртасида зиддиятларга дуч келиб юраверади. Аслида фермерлар учун ер бериш қуйидагича тартибда амалга оширилса, мақсадга мувофиқроқ бўларди.

Ер давлатники ҳисобланиб, давлат вакиллари жойларда туман ҳокимлари ҳисоблана-дилар. Ҳар йил бошида туман ҳокимлари туманда мавжуд жамоа ширкат хўжаликлари еридан камида 100 гектардан ер ажратиб, туман ер фонди заҳирасини ташкил этиши керак. Рўйхатга олинган ёки ривожланган фермер хўжаликларига ана шу ер фонди ҳисобидан узоқ муддатга фойдаланиш учун фермер хўжалиги ва туман ҳокими томонидан имзоланган ижара шартномаси асосида берилиши лозим.

Шундай ҳолларда жамоа ширкат хўжаликлари босқичма-босқич фермер хўжаликларига, ижарачиларга айланиб боради. Ислоҳот инсон учун хизмат қила бошлайди.

Ҳозирги кунда кредит маблағ муаммоси ҳам жуда долзарб ҳисобланади. Банклардан ёки бюджетдан ташқари фондлар маблағини банклар орқали кредитлашда энг асосий муаммо туман банкларида ресурсларни юқори банклар томонидан чекланиб қўйилиши бўлмоқда. Шу сабабли тадбиркор меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда қийналиб, кредит очилиши тўхтаб қолмоқда. Шунинг учун туман тижорат банкларида консалтинг бўлимлари очилиб, бу бўлим мутахассислари бир ой ичида барча талаб қилинадиган ҳужжатларни тайёрлаб, мижозга имзолатиб, муҳрлаб, кредит беришлари керак. Банк консалтинг хизмати учун мижоз ҳақини бериши шарт.

■ **Нўъмонжон ЮСУПОВ,**
Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Н. Юсупов номли кенг тармоқли ишлаб чиқариш фермер хўжалиги бошлиғи

ЛЎНДА ГАП

«ДАРЁ БЎЙИДА СУВГА ЗОРМИЗ»

Хўжалигимизда 1000 гектарга яқин экин майдони бор. 400 га яқин оила ана шу хўжаликда истиқомат қилади. Қишлоғимизнинг икки ёнидаги хўжаликлар (Барот Умаров номли ва бошқалар) газлаштирилган. Лекин, «дарё бўйида сувга зор» деганларидек, хўжалигимиз бундан бебаҳра қолган. Олдимиздаги асосий масала ҳам қишлоғимизнинг ҳалигача газлаштирилмаганлигидир. Қўшни хўжаликка газ қувурлари мактабимизнинг ёнидан ўтган. Бироқ, ҳеч бўлмаса ана шу мактабга газ келтирилса яхши бўларди.

Ҳурматли таҳририят, хўжалигимиз Бўка тумани марказининг шундоққина биқинида, оралиқ масофа атиги бир ярим чақирим. Уйларимиз туман марказига туташиб кетган. Биз ҳеч кимдан шикоят қилмоқчи эмасмиз, бор-йўғи қишлоғимиз газлаштирилишини сўраймиз. Табиий газ бўлмаса балонли газ бор деб ўйлашингиз мумкин. Афсуски, у ҳам йўқ. Ана энди ўзингиз хулоса қилаверинг.

■ **Қулмон ЧОРИЕВ,**
Бўка тумани Улуғбек номли жамоа хўжалиги

Пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур туман ИИБ бўлими майори Мардон Ражабов аҳоли ўртасида кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Суратда: *Мардон Ражабов маҳалла аёллари даврасида.*
Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат

ДАСТЛАБКИ ИШЛОВ

Арнасой туманидаги «Ғаллаорол» фермер хўжаликлари уюшмасида 332 гектар ерга чигит қисқа муддатда экилиб бўлинди. Бунда вилоятнинг ғаллароллик кўмакдошлари катта ҳисса қўшди. Тумандан Арнасойга техника ва ишчи кучи жалб этилган. Улар Арнасой туманидаги 3 та хўжаликка ёрдам беришни олдиларига мақсад қилиб қўйган. Ҳамкорлик эса ўз натижасини берди. Эрта чигит қадаган «Мангуберди», «Қўшработ», «Ўғлонлар», «Ойбулоқ», «Ситора», «Бобожон» ва «Дилшодбек» номли деҳқон-фермер хўжаликларида ғўза қатор ораларига дастлабки ишлов берилмоқда.

■ **Эркин ЭСИРГАДИЕВ**

ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ҲУЖЖАТСИЗ МАҲСУЛОТЛАР

Наманган вилояти ички ишлар идоралари ходимлари томонидан товар моддий бойликлар, хусусан нефть маҳсулотларининг республикамиздан четга олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда Наманган шаҳар ҳудудида хизмат ўтаётган тунги гуруҳ аъзолари Ахсикент даҳасида ГАЗ-53 русумли Л6208 давлат белгили автомашинани тўхтатиб текширганида ундаги махсус идишга қуйилган 2,5 тоннага яқин бензин борлиги маълум бўлди. Дастлабки суриштирувлар жараёнида аниқланишича, бензин Янгиқўрғон туманида яшовчи Ҳабибулло Ҳамроевга тегишли бўлиб, унинг қандай мақсадни кўзлаб олиб кетаётганлиги юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Худди шунингдек, товар моддий бойликларини четга сотиб, мўмай даромад қилмоқчи бўлган кимсалар турли ҳийлалар билан ўз маҳсулотларини четга олиб чиқишга уринишмоқда. Биз Самарқанд вилоятидан хизмат сафаридан қайтаётганимизда шаҳар ҳудудидан чиқиш жойдаги Штаб ДАН масканида автомобиль назорати ходимларининг иккита Мерседес-Бенц русумли машинани тўхтатиб текширишаётганининг гувоҳи бўлдик.

Маълум бўлишича, Тошкент шаҳридаги Шоҳруҳ автокорхонаси ҳайдовчиси Тошкент шаҳрида яшовчи 1962 йилда туғилган Игор Мамишев бошқарувидаги давлат белгиси 04-74 русумли ва шу шаҳарнинг Аҳмад Югнакий мавзесида яшовчи 1954 йилда туғилган Юрий Помогаевлар бошқарувидаги давлат белгиси 10а127 бўлган Мерседес-Бенц русумли ушбу автомашиналарга 30 тонна ферментация қилинган тамаки маҳсулотлари ортилган бўлиб, улар бу маҳсулотни ҳеч қандай ҳужжатларсиз Тошкентга олиб кетаётган экан.

Ҳозирда ушбу ҳужжатсиз юкнинг қаердан олиниб, қаерга олиб борилаётганлиги юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

■ **Шуҳрат РЎЗИЕВ тайёрлади**

ҒОЛИБЛАРҒА «НЕКСИЯ» ВА «ДАМАС»

Шаҳрисабзда халқаро кураш турнири якунланди

Олисдан қор босган Ҳисор тоғлари кўзга ташланади. Ўйингоҳга ҳам «Ҳисор» номининг берилгани кўнгилларга сурур бахш этади. Бу яқин йилларда Шаҳрисабздаги ўйингоҳ бунчалик гавжумлашмаганди. Кураш ошуфталари ҳатто дарахтларга ҳам чиқиб томоша қилишга чоғланишган. Турли мамлакатлардан келган довруқли полвонлар эса совриндорлик баҳсига пухта ҳозирлик кўргандилар. Халқаро турнирнинг тантанали очилиш маросими ҳам байрамона тус олди. Вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Шуҳрат Бегматов мусобақа иштирокчиларини табриклаб, уларга омад тилади. У, 1992 ва 1996 йилларда Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирлар курашимизнинг жаҳоний эътироф этилишида муҳим аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидлади. Бу галги мусобақага Президент соврини қўйилиши эса полвонлар ўртасида мусобақага қизиқишни янада орттириб юборди.

Албатта, қизғин ва мурасасиз беллашувларни одил ва холис ҳакамлар баҳолашади. Зеро, умр бўйи кураш тушиб юрган отахонларимиз полвонларнинг чиқишларини зимдан кузатар эканлар, ғолибнинг ютуғини «Ҳалол!» деб баҳолаб турдилар. Қизиғи шундаки, кексаларимиз майдонда сусткашликка йўл қўяётган полвонлардан қаттиқ ранжийдилар. Боиси, халқимизда мард киши майдонда деган азалий нақл бор. Сўзсиз мусобақа ғолибини аниқлаш кучлиларни саралашдан бошланади. Туркман полвони Одил Орзиқулов — Жасур Муродуллаевдан енгилди. Яна бир қорақалпоқ йигити Руслан Утегенов эса Давлат Чориевга имкониятни бой берди. Самбо бўйича жаҳон чемпиони Ботир Хўжаевнинг майдонга тушиши кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Аммо у тажрибали бўлишига қарамай, моҳир полвонимиз Эралининг бел олишига дош беролмади. Шунингдек, Исоқ Аҳмедов ҳам мухлислар олқишига сазовор бўлди. У қозоғистонлик Достон Примқуловни, кейин тошкентлик Шокир Тўраевлар курагини ерга теккизди. Лекин Исоқ билан таниқли полвон Баҳром Авезовнинг беллашуви кутилмаган воқеаларга бой бўлди. Ғолиблик учун астойдил беллашган Исоқ полвон Баҳром полвонга имкониятни бой беришга мажбур бўлди.



Болгариялик Цветко Цветков ҳам анча моҳир полвонлардан экани кўринди. Грузиялик Георги Цминдашвили эса ўзини Атланта олимпиадаси қатнашчиси, дзю-до бўйича Оврупа чемпионати совриндори эканини амалда намойиш этишга уринди. Унинг болгар полвони билан беллашуви кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Грузин полвонининг қўли кўтарилди. Мухлислар жаҳон чемпионати совриндори Эрали Маҳмарасуловнинг чиқишини сабрсизлик билан кутардилар. Барча беллашувларни муваффақиятли ўтказган Эрали эса кутилмаганда Баҳром полвонга ютқазиб қўйди. Шу тариқа мутлақ ғолиблик учун кураш ҳамюртимиз Баҳром Авезов билан грузин полвони Георги Цминдашвили ўртасида давом этди. Ишқибозлар Баҳромни Эронда ўтказилган баҳсда грузин йигитига бой берганини яхши билардилар. Бу гал кимнинг қўли баланд бўларкин? Ҳайтовур Баҳромнинг руҳи баланд экан. У чапдастлик кўрсатиб, ғолибликни қўлга киритди. Мусобақа низомига кўра Баҳром полвонга «Нексия», Георгига «Дамас» машиналарининг калити топширилди. Учинчи мукофотли ўрин болгар Цветко Цветков билан Эрали Маҳмарасуловларга насиб этди. Бир сўз билан айтганда, соҳибқирон Амир Темур руҳини шод этишга бағишланган навбатдаги халқаро турнир кураш тобора оммавийлашиб бораётганини, унга қизиқувчилар сафи кенгаяётганини кўрсатди.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири
Суратларда: мусобақадан лавҳалар.
ЎзА олган суратлар.

АЛЛОМАНИНГ ҚАЛБИ БУНДА УРИБ ТУРГАНДЕК

Юнус Ражабий уй-музейи 1997 йил охирида иш бошлаган эди. Шу қисқа давр ичида бу қутлуғ маскан тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларининг севимли даргоҳларидан бирига айланиб қолди. Яқинда музейга тўрт мингинчи меҳмон ташриф буюрди. Меҳмон Санкт-Петербург шаҳрини сақлаш халқаро хайрия жамғармасининг бош директори Александр Давидович Марголис бўлиб чиқди.

— Хизмат тақозосига кўра, дунёдаги талай мамлакатларга ташриф буюрганман, жуда кўп музейларнинг экспозицияларини кўриш бахтига муяссар бўлганман, — деди «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда А. Д. Марголис. — Бироқ Юнус Ражабий уй-музейи экспонатларининг бойлиги, нодирлиги билан мени ҳайратга солди. Бу ердаги ҳар бир буюм, ҳар бир нота, ҳар бир китоб аллома ҳақида ҳикоя қилади. Гўё бу ерда буюк мусиқа арбоби Юнус Ражабийнинг ҳассос қалби уриб тургандек туюлди, назаримда. Музей билан танишиб, ўзбек халқининг бой мусиқий меросга эга эканлигига шоҳид бўлдим. Музей ўз экспозициясининг кўлами билан жаҳоннинг шу йўналишдаги ҳар қандай музейи билан бемалол беллаша олади.

Айниқса, сизнинг «Шашмақом»ингиз, мумтоз куй ва қўшиқларингиз ақлимни лол этди. Бениҳоя кенг қатламга эга бўлган ўзбек мусиқа маданиятини тадқиқ этган академик Юнус Ражабий хотираси қаршисида бош эгаман, — деди пировардида А. Д. Марголис.

ЎЗБЕКИСТОН ҒЎШАЛАРИ

ШОДА ИЧРА БИР МАРЖОН

Мустақиллик фарзанди бўлган Қоровулбозор тумани, унинг бунёдкор ишчи, деҳқону чорвадори саккизинчи баҳорини қаршиламоқда. Ташкил топганига саккиз йил бўлаётган бу туманга баҳор ўз сепини аллақачон ёйган. Бир томони Қашқадарё, иккинчи томони Навоий вилоятига туташиб кетган саҳроларида бугун ўзгача чирой. Ана, кўз илғамас тепаликлар ёнбағрида сурув ўтламоқда, қўзичоқлар, улоқчалар дуркун. Ҳув ана, уфққа туташ чўлнинг ўртасидан юлиб олинган ерга бободеҳқон чигит экмоқда. Ҳаво тоза, ҳарорат — жонбахш. Эрта-индин катта хирмон уйишига ишонади у!

Яқин ўртадаги шаҳарчадан сумалак ҳиди келяпти. Буни Жарқоқ деб аташади. Бир пайтлар ана шу ерда — қақраган саҳронинг қоқ ўртасида жарлик бўлган. Жарлик атрофида ҳаёт ҳукм сургани боис кейинчалик чоғроқ шаҳарча юзага келган. Бундай кичик шаҳарчалар ҳозир туманда 4 та. Ҳаммасида мактаб, шифокорлик маскани, болалар боғчаси, кутубхона, ҳаммом... барча-барчаси бор. Чўлқуварлар ичимлик суви, табиий газ билан бир-икки қаватли шинам уйларда яшамоқдалар. Бунинг устига улар ернинг ҳақиқий хўжайини, мулкдор. Ҳеч ким чайлада яшамайди, ҳеч нарсага зориқмайди. Ҳа, барчаси истиқлол шарофати, юртнинг осойишталиги, эртанги кунга умидворлик ҳар юракда мужассамлигидандир.

— Шофиркондан чўлга келиб, кам бўлганим йўқ, — дейди Абдухолиқ Ғиждувоний номли ширкат хўжалиги раиси Шуҳратжон Баҳронов. — Оддий кетмончиликдан раҳбар даражасигача етдим. Ҳамма босқични ўтдим. Мана, уч йилдирки, хўжалигимиз туманда пешқадам. Пахта ҳам, дон ҳам мўл бўлаётир, даромад эса бисёр. Одамларимиз ишдан қочмайди, ҳамма ҳамжиҳат.

Ҳа, Шуҳратжон қолоқ хўжаликни иқтисодий жиҳатдан юқори поғонага олиб чиқди. Ҳар йили чўлнинг қоқ белидан 1200 тонна пахта, ғалла, полиз етиштиришнинг ўзи бўладими?

Халқимизда бирники мингга, мингники оламга етади деган нақл бор. Жарқоқликлардек меҳнат қилаётганлар «Ўзбекистон» да ҳам бисёр. Улар ҳар йили биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарадилар. Бултур хўжалик аъзолари 1.283 минг сўмлик фойда билан йилни якунладилар. 580 гектар ердан 1071 тонна пахта олинди. Сотилган пахтанинг асосий қисми биринчи навга тўғри келади. Илҳомжон Муродов етакчилик қилаётган хўжалик деҳқонлари далага экиш техникасини барвақт олиб чиқдилар. Ҳа, эрта эккан — хирмон қилур.

— Ўтган етти йил туманда силжишлар йили бўлди. Буни қуйидаги рақамлардан билса ҳам бўлади, — дейди туман ҳокими Нарзулла Йўлдошев. — Давлатга бултур 8146 тонна пахта, 9787 тонна дон, 1271 тонна полиз, 1000 тонна сут сотилди. Бу — 1996 йилга нисбатан бир неча баравар кўпдир. 5940 гектар ғаллазордан 14559 тонна дон олиниб, ҳосилдорлик 24,5 центнерга етди. Хуллас, чўлдан дур ундириш қоровулбозорликларга хос фазилат эканлигини улар яна бир бор намойиш этдилар. Ишлашни ҳам, яшашни ҳам қойил қиладилар.

Кейинги тўрт йилда туман харитасида янги шаҳарча пайдо бўлди. Бу — нефтчилар шаҳарчаси бўлиб, унда асосан Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонаси ишчилари яшашади. Корхонани ўтаётган аср мўъжизаси дейиш мумкин. Мустақиллик йилларида қад ростлаган бу корхонада минглаб одамлар ишлайди. Ҳозир корхона мамлакат ҳаво транспорти ёнилғи эҳтиёжининг 80 фоизига яқин қисмини қондираётгани қувончлидир. Нефтни қайта ишловчилар бултур анча салмоқли ютуқларга эришдилар. Бензин ишлаб чиқариш аввалги йилга нисбатан 105,5 фоиз, дизель ёнилғиси — 131,4, суюлтирилган газ — 163,2 фоизга ўсди. Ёки корхона бултур шартномавий нархларда 56 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот етказиб берди. 1996 йилда хорижга 13 миллион доллар миқдорида ёнилғи экспорт қилинган бўлса, бултур бу кўрсаткич 37 миллион долларга етди.

Қоровулбозор ўзининг жайронлари билан ҳам оламга танилган. Бу ерда — ададсиз саҳро қўйнида «Жайрон» экологик маркази фаолият кўрсатиб келяпти. Айни баҳор пайтида жайронхонанинг табиати сирли, дунёси бошқача туюлади, кишига. У ҳеч бир йўловчини бефарқ қолдирмайди. Чарос кўзли кийиклар тўдаси рақси кимга ҳузур бахш этмайди, дейсиз. Умумий узунлиги 40 километрдан зиёд симтўр билан ўраб олинган 5145 гектарли жайронхона шундоқ катта асфальт йўл ёқасида жойлашган. 1977 йилда бу ерда 42 та жайрон бор эди. Ҳозир улар сони минг бошга етган. Бу ерда Қизилқум маликалари билан бирга қоплон ҳам парвариш қилиняпти. Шунингдек, қулонлар, турли-туман саҳро қушлари ҳам бу ердан макон топган, инсонга меҳр қўйган.

Саҳро белига белбоғ бўлган асфальт йўлнинг икки тарафида «Нефтчи» ўрмон хўжалиги ишчилари ниҳол ўтказишяпти. Улар биргина Қоровулбозор шаҳрини яшил қалқонга ўраш билан эмас, балки воҳани кўкаламзорлаштиришдек улуғ иш билан банд. Поёнсиз қир ва адирларда эса 54 мингга яқин қўй-қўзилар яйрамоқдаки, бу ҳам туманнинг бойлиги. «Қоровулбозор» ижара хўжалиги чорвадорлари Бухоро қоракўли довруғини оламга танитиш учун чўл ўжарликларини писанд қилмайдилар. Дарвоқе, туманда яшовчи етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳоли шу кунларда шода ичра бир маржон бўлган Қоровулбозорни янада обод этиш учун қўлни-қўлга беришган. Ҳа, ҳамжиҳатликка не етсин!

■ **Даврон БАҲРОНОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«XXI АСРДА ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ»

Германия пойтахтида 2-3 июль кунлари «XXI асрда замонавий бошқарув» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтади. Унда ҳозир ҳокимият бошқаруви социал-демократлар қўлида бўлган 14 мамлакатдан давлат ва ҳукумат бошлиқлари иштирок этади. Жумладан, ГФР канцлери Герҳард Шрёдер бўлажак анжуманга АҚШ, Аргентина, Буюк Британия, Бразилия, Италия, Исроил, Нидерландия, Янги Зеландия, Португалия, Франция, Швеция, Чили ва Жанубий Африка Республикаси раҳбарларини таклиф қилган.

АНЖУМАН КЕЛГУСИ ЙИЛДА ЎТКАЗИЛАДИ

Россия ташқи ишлар вазирлиги 2001 йилнинг 26-29 июнь кунларида Лотин Америкаси ҳамда Кариб денгизи ҳавзасини ўрганиш бўйича халқаро федерациянинг ўнинчи анжумани Москвада ўтказилишини қўллаб-қувватлади. Россия ташқи сиёсат маҳкамаси анжуманни ўтказишда қўлдан келганча ёрдам кўрсатади, деди вазирлик вакили.

Бўлажак тадбирда олтмишдан ортиқ мамлакатдан мингга яқин мутахассислар иштирок этиши кутилмоқда. Улар иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳамда фан-техника, бизнес билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашади.

КУЗАТУВЧИЛАР КЎПАЯДИГАН БЎЛДИ

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) доимий кенгаши Грузия-Россия чегарасидаги кузатувчилари сонини 12 дан 42 тага кўпайтиришга қарор қилди. Кузатувчиларнинг бу ердаги фаолияти ҳам жорий йилнинг 15 ноябригача узайтирилди.

Кунлар исий бошлаши билан ушбу ҳудудлардаги чегаралардан ўтувчилар сонининг кўпайиши шундай қарор қабул қилинишига сабаб бўлди.

Индонезиядаги йирик хусусий банклардан бири.

ТОШБАҚАЛАР ҚАНИ?

Жаҳон табиатни асраш жамғармаси денгиз тошбақалари, айниқса, унинг «Қизил китоб»га киритилган ноёб турлари борган сари камайиб бораётганидан ташвиш билдирди.

Жамғарма маълумотига қараганда, дунё бўйича бундай турдаги жониворлар билан савдо қилиш тақиқланган бўлса-да, бу соҳа ҳозир айримларнинг асосий даромад манбаига айланиб бораётир. Натижада ҳар йили уч юз минг тошбақа нобуд бўлмоқда. Вазият шу тарзда давом этаверса, яқин йиллар ичида бундай жониворлар умуман йўқолиб кетиши ҳеч гап эмас, деди жамғарма вакили.

НАВБАТДАГИ МАЖЛИС

Москвада 19-24 апрель кунлари Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари ахборот агентликлари ташкилоти Бош ассамблеясининг ўн биринчи мажлиси бўлиб ўтади. Унда эллик мамлакат ахборот агентликлари раҳбарлари ҳамда халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этиши кутилмоқда. Мажлисда XXI асрда дунё ахборот оламида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар муҳокама қилинади.

Мазкур ташкилотга БМТ ҳамда ЮНЕСКО ташаббуси билан қирқ йил илгари асос солинган эди. Ҳозир унга 34 мамлакат ахборот агентлиги аъзо бўлган.

НАМОЙИШ САБАБ УЧ КИШИ ЎЛДИ

Бангладеш пойтахтида ҳукуматга мухолиф кучларнинг оммавий намойиши уч кишининг ўлимига сабаб бўлди. Полиция маълумотига қараганда, намойишчилар Бош вазир раҳбарлигидаги ҳукуматнинг истеъфога чиқишини талаб қилиб, кўплаб автомобиль ва уйларга ўт қўйган, дўконларни талон-торож қилган.

Ҳукумат бундай тартибсизликларни бостириш учун куч ишлатишга мажбур бўлди. Пойтахтга қўшимча кучлар чақирилди. Давлат муассасалари ва мактаблар вақтинча ёпилди. Транспорт ҳаракати ҳам тўхтатилган.

ЁНҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жанубий Кореянинг Улчин тумани ҳудудида ўтган ҳафтада бошланган ёнғин ўн минг гектар ўрмоннинг кулини кўкка совурди. Табиий офат натижасида икки киши нобуд бўлди, мингга яқин одам хавфсиз жойга кўчирилди.

Мамлакат ҳукумати Президент Ким Дэ Чжунга мурожаат қилиб, ёнғин юз бераётган ҳудудда фавқулодда ҳолат эълон қилишни сўради. Махсус чора-тадбирлар кўрмай туриб ёнғинни ўчириш мумкин эмас, деди мутахассислар. Ёнғин сабаблари ҳали аниқланмаган бўлса-да, айримлар бунга ҳавонинг исиб кетгани сабаб бўлганини айтмоқда.

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ОСТОНАДАГИ «БОЖХОНА»

2000 йилнинг 24 февралида тонг ғира-шира отган маҳал Тошкент тумани «Тўла Бий» жамоа хўжалигида яшовчи— Зиёд Ҳамидов ва унинг ўғли Самариддин ҳамда фуқаро Мурод Мирхўжаевлар ўзининг шахсий молларини етаклаганча Қозоғистондаги мол бозорга қараб кетишаётганида «Чиноз» кўчма божхона пости бошлиғи Самиғулла Убайдуллаев ва бошқа ходимлари томонидан тўхтатилди.

Қора моллари давлат ҳисобига мусодара қилинган ҳамда эгалари жаримага тортилган фуқаролар таҳririятимизга шикоят билан келишди. Ушбу ҳолат бўйича воқеа содир бўлган жойда журналист текшируви ўтказишга тўғри келди. Ўртада бир ариқ сув ўтаркан, икки ён бағрида уйлар, бир тарафи Ўзбекистон, бир тарафи Қозоғистон ҳудуди. Аҳоли эса бир-бири билан қудаанда бўлиб кетишган. Ариқ устига ўрнатилган кўприкдаги тўрт-бешта бетон парчалари икки давлат ўртасидаги чегарани билдираркан. Бундан бошқа белги йўқ. Ариқ хатлаган — хорижлик.

Фуқаро Зиёд Ҳамидовнинг аризасидан кўчирма: «Ўз уйим яқинида молларимни етаклаб кетаётганимда иккита «Нексия» русумли машина олдимда тўхтаб, икки киши тушиб келди. Ҳужжатларимни сўрашди. Гувоҳномамни кўрсатдим. Аммо уни қайтариб бермади. «Сиз биз билан юрасиз, контрабанда билан шуғулланяпсиз», деб икки километрлар чамаси узоқликда жойлашган «Рамазон» божхона постига олиб боришди. Тушунтириш хатини ўзи бошлаб, мен давом эттиришимни сўради. Бизга қўпол муомала қилди, ўзларини таништирмади ҳам. Ёзмайман дегандим, «Ёзмасанг қўлингга кишан соламан, қамайман» — деб дўқ қилди.

Ҳар қалай оилада тўққиз жонмиз. Катта ўғлим харбий хизматда. Икки нафар ўғлим талаба, учтаси мактабда ўқийди. Онам 83 ёшда. Ўзим 1975 йилдан буён ўқитувчилик қиламан. Соғин сигир олиш ниятида бозорга олиб чиққан молларим эди. Чунки хотиним 15 йилдан буён врачлар назоратида туради. Ҳар куни сут ичиб туриши керак».

Фуқаро Маҳмуджон Мирхўжаев иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, I гуруҳ ногирони, 83 ёшда, пенсионер: «Эй, болам, нимасини айтай, шу ўтирган уйимизни бундан 40 йил олдин қурганман. Шиферининг 20 фоизи синиб кетди, қиши билан чакки ўтиб, қаранг, потологи кўчиб тушди. Деворлари ҳам нурай деб турибди. Битта-ю, битта ўғлим бор, келиним, икки неварам биз билан бирга яшайди. Хотиним ҳам ярим жон, II гуруҳ ногирони. 79 ёшда. Иккаламиз пенсия пулимизга бир-иккита бузоқ олгандик, озроқ боқиб пулласак, уйимизни таъмирлаб олардик, деб. Худо буниям кўп кўрган экан, бозорга ҳайдаётганда, барака топгурлар, ушлаб олишибди. Кўзим очиғида уйни тиклаб берсам, ортимда қоладиганларим қийналиб юрмас, дегандим. Ҳар доим «Қўнғирот» бозорида (Қозоғистон ҳудудида) бозор қилардик. Ораси уч-тўрт километр. «Шўро» бозори (Ўзбекистонда) ҳам бор 40 километр узоқда. Соддаликда қаердан билибмиз, билганимизда «Шўро»га ҳайдардик молларимизни. Бузоқларимизни қайтариб олишда ёрдам берсаларингиз бизга».

Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғи Жамолиддин Хошимов:

—Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги 1871- сонли Фармонига биноан биз шу қарорни қабул қилдик. Фармоннинг иловасида қорамол ва паррандаларнинг ҳам экспорт қилиниши тақиқланган. Мана дело, хоҳласангиз танишиб чиқинг, барча айбларига ўзи иқрор бўлиб, қўл қўйиб тасдиқлаб беришган. Биз қонунлардан ташқари иш қилмадик.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси бош терговчиси Садриддин Сулаймонов:

— Шахсан мен шу инсонларга ёрдам бермоқчи бўлдим, вилоят прокуратурасининг божхонани назорат қилувчи бўлимига мурожаат қилдим, лекин...

Ҳурматли ўқувчиларимизга тушунарли бўлсин деб, баъзи тафсилотларни қандай бўлса шундайлигича келтирдик. Энди божхонага доир қонун-қоидаларнинг бузилиши ҳақидаги қароридан кўчирма:

«Рамадон қишлоғида жойлашган божхона назоратидан четда бўлган айланма йўл орқали пиёда ҳолда 1 бош сигир ва икки бош бузоқни етаклаб кетаётган фуқаро С. З. Ҳамидов тўхтатилиб текширилганда Ўзбекистон Республикасидан Қозоғистон Республикасига олиб чиқиб кетилаётгани аниқланди. Ноқонуний қилинган ушбу ҳаракатлар билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги 1871-сонли Фармоннинг 4-иловаси талабларини ва Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 161-моддасидаги қоидаларни бузиш аломати содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодексининг 227-моддаси санкция доирасида энг кам иш ҳақининг 5 (беш) баробарида жарима солинсин.

24 февраль 2000 йилда 063-сонли юк хати билан Тошкент туманидаги «Тошкент» ХЖ божхона омборида вақтинча сақланаётган 1 бош сигир ва икки бош бузоқ давлат ҳисобига мусодара қилинсин. Имзо». М. Мирхўжаевга ҳам худди шу мазмундаги қарор чиқарилди.

Ўқувчи бир нарсага эътибор қаратишини истардик, айланма йўл деганларида нимани назарда тутганлигини биз ҳам тушунмадик, чунки у ерда айланма йўл йўқ. Ё айланма йўл дегани бир қишлоқни иккига ажратиб турган йўлми? Қолаверса, вилоят божхона бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилаётган белгиланган таннархидаги қора моллар кўприкдан (чегара чизиғидан) уч юз метрлар чамаси берида тўхтатилган. Айбдор саналаётган фуқаролар мол алмаштириб сотиш бизнеси билан шуғулланувчи бўлганда жазо тўғри бўлармиди. Ахир уларни огоҳлантириб, тилидан тилхат олиш, агар шу ҳолат қайта такрорланса жаримага тортиш, мусодара қилиш ҳолларини қўллаш жоиз эмасми? Ўтиш даври ер юзидаги барча давлатларда бўлгани каби бизда ҳам фуқароларнинг жамиятдан мустаҳкам ўрин олиш синовига чорлади. Эндигина ўзини тиклаб олаётган аҳолига нисбатан кўпол муомала қилиш инсофдан бўлмас?! Чунки, моддий зарарнинг ўрнини қоплаш мумкин, маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш мушкул.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

АТРОФ-МУҲИТ ВА БИЗ

ТАБИАТ ИНСОНГА ОНАДИР!



Истаймизми-йўқми инсон табиатнинг фарзанди, бошқача айтганда, унинг ажралмас бир бўлагидир. Инсониятнинг эртанги куни табиатга, унинг қонуниятларига бевосита боғлиқ. Буни ёддан чиқариш мумкин эмас. Табиат устидан ҳукмронлик қилишнинг, унга кўр-кўрона муносабатда бўлишнинг,«инсон—табиатнинг хўжайини» ёки «табиат — инсоннинг хизматкори» каби сохта ақидаларнинг даври ўтди. Бугунги кунимиз, инсоннинг бахти-саодати учун қилинаётган ислоҳотлар биздан табиатга дўстона муносабатда бўлишни, ундан оқилона фойдаланишни, бир сўз билан айтганда, бутунлигича кўз қорачиғидек асрашни талаб этмоқда. Албатта, бу бежиз эмас. Юртимиз тараққиёт йўлидан борар экан, амалга оширилаётган жараёнлар, тикланаётган саноат мажмуалари фаолияти-ни табиат қонуниятлари билан мувофиқлаштиришга мажбур. Яқин йилларгача табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилган собиқ тузум йўл қўйган хатоларнинг асоратлари бугунги кунимизгача етиб келди. Бу эса бот-бот бизга табиат билан муносабатларимизни тубдан яхшилашни эслатиб қўймоқда. Шуни унутмаслик керакки, табиатнинг келажаги — инсоннинг келажагидир. Табиатни асраш — ўзни асрамоқ демакдир. Асримиз сўнггига келиб, дунё халқлари, шу жумладан, Ўзбекистон халқи ҳам катта экологик таҳдидларга рўбарў бўлди. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ярмидан кўпроқ аҳолиси экологик танглик вазиятида яшар экан. Инсоннинг табиатга бўлган кўр-кўрона муносабати аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, ер ости ва ер усти сувининг ифлосланиши, тупроқнинг шўрлашуви ва бузилиши, қаттиқ чиқиндиларнинг тўпланиши, озиқ маҳсулотларининг ва озон қатламининг ифлосланиши, биологик хилма-хилликнинг ва маданий ёдгорликлар (пансионатлар, хушҳаво оромгоҳлар)нинг бузилиши каби ечимини кутиб турган экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Бу муаммоларга барҳам бериш, табиийки, ўзини тиклаётган Ўзбекистон учун осон кечмаяпти. Энг ачинарлиси, бу экологик муаммолар бозор иқтисодиёти жараёнларини бошидан кечираётган юртимизга тараққиёт йўлида халал бераяпти. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида ҳам бу масалага алоҳида ўрин ажратилган.

—Асрлар туташ келган палада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, кўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир, — деб ёзади юртбошимиз. Дарҳақиқат, бу жараёнларга бефарқ қараб туриш, айбни бировлардан қидириш ярамайди. Зотан, бизнинг ортимизда авлодлар турибди. Келажак авлодлар кўзига тик қарай олишимиз учун ҳам табиатни асраб қолишимиз, бу ҳақда жиддий бош қотиришимиз керак. Табиатни асраб қолиш ҳақидаги қарашлар бугун ёки кеча пайдо бўлиб қолгани йўқ. Мисол учун, Пётр I даврида Нева дарёси сувини ифлос қилган киши Сибирга сургун қилинган. Алоҳида ҳудудларни муҳофаза қилиш мақсадида 1867 йилда биринчи бўлиб Йеллоустоун миллий парки бунёд этилган. Булар маълум маънода табиатга эзгу муносабатни шакллантириш мақсадида қилинган, катта аҳамият касб этмаган ҳаракатлар, холос. Лекин бизнинг бугунги кунимизга келиб бу ҳаракатлар юзага келишига эҳтиёж ва ижтимоий замин исталганча топилади. Айрим манбаларга қараганда, ҳар йили республикамизнинг атмосфера ҳавосига 4 миллион тоннага яқин зарарли моддалар келиб қўшилмоқда. Шунинг ярми углерод оксидига тўғри келади, 15 фоизини углеводород чиқиндилари, 14 фоизини олтингугурт икки оксиди, 9 фоизини азот оксиди, 8 фоизини қаттиқ моддалар ташкил этади ва 4 фоизга яқини ўзига хос ўткир заҳарли моддаларга тўғри келади. Атмосферада углерод йиғиндисининг кўпайиб бориши натижасида ер ҳавоси ҳарорати кўтарилиб кетар экан. Қиш фаслида баҳорнинг ёки аксинча баҳорда қишнинг ҳарорати сезилиши яхшилик олиб келмайди. Ўтган йили баҳор фаслида келган совуқ ҳаво мева гулларини тўкиб кетди. Пахтани қайтадан экишга, ортиқча меҳнат сарфлашга сабаб бўлди. Бу, асосини қишлоқ хўжалиги соҳаси ташкил этадиган иқтисодиётимизга ўз таъсирини ўтказмоқда. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1911-1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни ва минераллашув даражаси бир литр сувда 10-11 граммни ташкил этган экан. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув келиб қуйилган. 1994 йилга келиб Орол денгизидаги сувнинг сатҳи 32,5 метрни, сув ҳажми 400 куб километрдан камроқни, сув юзасининг майдони 32,5 минг квадрат километрни ташкил этган. Сувнинг минераллашув даражаси икки баравар ортган. Бунга сабаб янги ерларни ўзлаштириш баҳонасида юзага келган сувдан нотежамкорлик билан фойдаланилганликдир. Бугунги кунга келиб, Орол денгизининг сув қочган туби 4 миллион гектардан ортиқроқ майдонни ташкил этаркан. Шамол денгизнинг қуриб қолган тубидан туз ва чанг-тўзонни юзлаб километрга учириб кетмоқда. Чанг-тўзон узунлиги 400, эни 40 километр майдонга етиб бормоқда. Бу ерда йилнинг 90 кунида тўфонлар кузатилади. Маълумотларга қараганда, бу ерда ҳар йили атмосферага 15-75 миллион тонна чанг кўтарилади. (И.А.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби «Ўзбекистон» нашриёти. Т:1997 й) Турли саноат корхоналаридан, автомашиналардан чиқаётган заҳарли моддаларни айтмайсизми? Бу, саноат корхоналарини замонавий, камхарж ва такомиллашган технологиялар билан таъминлашни талаб этади. Бу, табиийки, ўз-ўзидан, осонлик билан кечмайди. Оқава сувларнинг аҳоли пунктлари яқинидан оқиб ўтиши натижасида турли хил касалликлар, эпидемиялар авж олмоқда. Тузли ёмғирларнинг ёғиши аввалги йилларга нисбатан бирмунча кўпайган. Бу озон қатламининг бузилиши билан боғлиқ. Собиқ Иттифоқ даврида ер ости қазилмаларини зўрма-зўраки, шошилинч қазиб олиниши жойларда тупроқ нурашига сабаб бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон тупроғи минерал ўғитлардан ортиқча фойдаланиш натижасида беҳад шўрланган. Намланиш даражаси юқори кўрсаткични ташкил этади. Тупроқни зўрлаш, ундан ўз манфаати йўлида шафқатсизларча фойдаланиш Ўзбекистон халқининг асосий даромад манбаи бўлмиш тупроқни инқироз ёқасига келтириб қўйди. Маълум бўлишича, Ўзбекистоннинг 447,4 минг квадрат километрдан ортиқ бўлган умумий майдонининг атиги 10 фоизинигина экин майдонлари ташкил этади. Бугунги кунда республикамизда 1 квадрат километрга 51,4 киши тўғри келади. Бу ер танқислиги муаммосини келтириб чиқаради. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уни эртанги авлодлар учун асраб қолиш бугунги кунимизнинг долзарб масалаларидан биридир. Табиат инъом этган бойликлардан ўз ўрнида фойдалана билиш инсон учун ҳам қарз, ҳам фарз. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда ҳозирги кунда 9 та қўриқхона ва 500 минг гектар тоғ ўрмонлари мавжуд. Эътиборсизлик натижасида қанчадан-қанча ўрмонлар кесилиб, ноёб жонзотлар қирилиб кетди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон «Қизил китоб»и саҳифалари кенгайиб бормоқда. Бу эса яна ўша мавзу — тараққиёт билан табиат муносабатларини мувофиқлаштиришни талаб этади. Тўғри, биздаги ижтимоий шароит Европа даражасида эмас. Чиқиндиларни қайта ишлаш борасида яхлит бир тизим ҳали шаклланмаган. Лекин табиатни муҳофаза қилишга уриниш изсиз кетган эмас. Шу ўринда юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида олиб борилаётган ислоҳотларни ҳам қайд этиб ўтиш керак. 1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида қабул қилинган Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Декларация, Оролни қутқариш халқаро фондининг тузилиши ва унинг доирасидаги чора-тадбирлар нафақат Ўзбекистон халқининг, балки Орол ҳавзасида истиқомат қиладиган барча халқларнинг улкан ютуғидир. «Экосан» халқаро жамғармасидан олинган маълумотларга қараганда, ўтган йилнинг сўнгги чорагида жамғарма томонидан Орол ҳавзаси аҳолисига 1 миллион 600 минг сўмлик инсонпарварлик ёрдами юборилган. Албатта, буларнинг барчаси қувонарли ҳол. Лекин бизнингча булар экологик таҳдид қаршисида мисқолдек гап. Бу биздан янада фаолликни талаб этади. Мутахассисларнинг фикрича, инсон организми ифлос муҳитга тез мослашади. Яъни, XV асрдаги инсон организми бугунги атмосферада яшай олмайди ёки қийналади. Демакки, инсоннинг бу мослашуви чегарали. Албатта, тараққиёт яхши. Инсон боласи борки, улғаяди, яхшини, ёмонни танийди. Лекин бу улғайиш жараёни ўзга бир мавжудликни топташ эвазига кечмаслиги керак. Акс ҳолда, тараққиёт таназзулга юз тутади. Унутмаслик керакки, табиатни муҳофаза қилиш ортида бизнинг, авлодларимизнинг ҳаёти турибди. Зотан, шоир ёзганидек:

Тўқайга ўт кетса ёнгай бус-бутун,
Адолат борлиққа ёлғиз онадир.
Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун,
Ёвузликдан зада ҚУРИҚХОНАДИР...

■ **Шуҳрат ОРИФ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

БАЛАНС ПО ОАО »УЗБЕКГАЗСУВКУРИЛИШ» ЗА 1999 Г.

Балансовые счета	АКТИВ	Сумма (тыс.сум)	Балансовые счета	ПАССИВ	Сумма (тыс.сум)
01	Основные средства и другие активы	118429,0	85 80	Уставной фонд Прибыль отчетного периода	142512,0 16323,1
06	Долгосрочные вложения	11168,0	89	Резерв предстоящих расходов и платежей	69836,9
10	Производственные запасы	153204,0	90	Краткосрочные займы	17363,0
20	Незавершенное производство	4381,0	96	Целевое поступление и фонды	45816,0
50	Денежные средства	11414,0	60	Кредиторы	204185,0
52	Валютные средства	9109,0	64	Авансы полученные	53637,0
62	Дебиторы	241968,0			
	Баланс	549673,0		Баланс	549673,0

Чистая прибыль предприятия 16323,1
Проведенный аудит Аудиторской фирмой «Шанс-Аудит» является достаточной основной для формирования нешего мнения фирма считает, что организация является платежеспособным и рентабельным.

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки томонидан жорий этилган «Жамғарма» ютуқли омонати бўйича 2000 йилнинг 15 апрелида Янгийўл шаҳрида ўтказилган 1-ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ютуқлар Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг барча туман (шаҳар) бўлимларида очилган қуйидаги ҳисоб рақамларига чиқди:

Т/р	ЮТУҚ ЧИҚҚАН ҲИСОБ РАҚАМИ	ЮТУҚ МИҚДОРИ (фоизда)
1	ЖЮ-2	50
2	ЖЮ8	50
3	ЖЮ-21	25
4	ЖЮ-22	25
5	ЖЮ-25	10
6	ЖЮ-41	10
7	ЖЮ-57	25
8	ЖЮ-68	10
9	ЖЮ-76	25
10	ЖЮ-86	25
11	ЖЮ-105	25
12	ЖЮ-122	25
13	ЖЮ-131	25
14	ЖЮ-192	500
15	ЖЮ-206	10
16	ЖЮ-223	25
17	ЖЮ-229	10
18	ЖЮ-289	10
19	ЖЮ-311	50
20	ЖЮ-345	25
21	ЖЮ-349	25
22	ЖЮ-359	25
23	ЖЮ-365	25
24	ЖЮ-370	10
25	ЖЮ-380	10
26	ЖЮ-390	25
27	ЖЮ-399	25
28	ЖЮ-404	25
29	ЖЮ-469	10
30	ЖЮ-507	10
31	ЖЮ-510	100
32	ЖЮ-512	25
33	ЖЮ-530	25
34	ЖЮ-536	10
35	ЖЮ-556	50
36	ЖЮ-568	25
37	ЖЮ-595	100
38	ЖЮ-601	50
39	ЖЮ-605	10
40	ЖЮ-609	25
41	ЖЮ-614	10
42	ЖЮ-622	10
43	ЖЮ-681	25
44	ЖЮ-725	25
45	ЖЮ-727	10
46	ЖЮ-731	25
47	ЖЮ-744	10
48	ЖЮ-750	50
49	ЖЮ-752	10
50	ЖЮ-757	25
51	ЖЮ-771	25
52	ЖЮ-868	25
53	ЖЮ-875	10
54	ЖЮ-890	25
55	ЖЮ-908	25
56	ЖЮ-917	10
57	ЖЮ-930	10
58	ЖЮ-955	25
59	ЖЮ-989	25

Ютуқлар тиражи ҳар 1000 та ҳисоб варақаси бўйича ўтказилди. 1000 дан зиёд ҳисоб варақалари очилган Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларида ҳар 1000 та ҳисоб варақаси бўйича ҳам худди шу тартибда ютуқлар чиқди. Масалан: ЖЮ-930, ЖЮ-1930, ЖЮ-2930 ва ҳ. к

Ютуқлар тиражи комиссияси раиси, Янгийўл шаҳар ҳокими ўринбосари — К. М. ТОШМАТОВ

Ютуқлар тиражи комиссияси раиси ўринбосари, Тошкент вилояти Халқ банки бошқармаси бошлиғи ўринбосари — С. Р. ШЕРМЕТОВ

Ютуқлар тиражи комиссиясининг масъул котиби, Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқаруви бошқармаси бошлиғи ўринбосари — О. Ш. БАҲОДИРОВ

ХИКМАТЛАР

** Дўст билан душманга қиладиган энг чиройли муомала йўли шундайки, бу муомаладан сўнг дўст дилида муҳаббат ошсин, душман дилидаги адоват эса сусайсин.*

** Нафсига эрк берганнинг мурувват эшиги берк бўлади.*

** Илм ўрганиб илмига амал қилмаган киши ер ҳайдаб, уни экмаган кишига ўхшайди.*

** Тўрт нарса эркакнинг камолотига далилдир: биринчиси дўстлар билан машварат қилишлик, иккинчиси душман билан мадора қилишлик, учинчиси иссиқ ҳавога чидамлик, тўртинчиси аччиқ сўзга чидашлик.*

** Ўтар нарсага дил боғламаслик керак.*

** Ишликда захмат чеккинки, қариганда роҳат топасан.*

** Тўрт нарса хушбахтликдир: асли поклик, қўли поклик, тўғри раъйилик.*

** Иззат— одобда, хорлик — гуноҳкорда, бахт — қаноатда бўлади.*

** Таъма ўлаксадир, унга фақат ўлакса табиатли кишиларгина яқинлашади.*

** Сўз қуролдир, кимки шу қурол билан жароҳатланган бўлса, уни даволаш қийин.*

** Кишининг сўзи қалбидан хабар беради.*

** Кишининг қадру қиммати одамларга қилган яхшилиги билан ўлчанади.*

ТАШКИЛОТ
«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни СОТАДИ
Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш йўли билан
Манзил
Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-56-97. Факс: 54-49-11. Пейжер: (067) 90-79

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Ҳамид Икромов

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 182

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 22.40
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА